

Умрнинг қадри ва касб кор қилиш

14:02 / 24.03.2017 5215

Ҳамонки, суҳбатимиз инсон умри ҳақида, шу умрдан унумли фойдаланиш ва касбкор қимлиш ҳақида экан, авваламбор шуни айтиш лозимки, умр инсониятга берилган энг бебаҳо неъматдир. Инсоннинг яралиши, ҳаёт кечириши ва охириқибат дорулфанодан дорулбақога риҳлат этиши Аллоҳ томонидан жорий қилиб қўйилган ўзгармас қонундир.

Хўш, инсонга умр ўзи нима учун берилади, инсон бу умрда нималар қилиши керак, - деган саволлар туғилиши табиийдир: Ушбу саволларга жавобан Ҳақ таборака ва таоло Қуръони Каримнинг Мулк сурасида бундай марҳамат қилади:

المع نسح أمك أي مكول بيل ة اي ح ل او ت وم ل ا ق ل خ ي ذ ل ا

”Яъни: “У (Аллоҳ), сизларнинг қай бирингиз яхшироқ амал қилишингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир ”.

Ушбу ояти каримадан инсон умри бекорга берилмагани, уни ҳуда-беҳуда ишлар, кайфу сафо ва бекорчилик, дангасалик ва тамбаллик билан зое қилиш учун эмас, балки, хайрли амаллар, фойдали ишлар, элу юртга манфаат келтирадиган ҳамда охират учун захира бўладиган буюк ишларни амалга ошириш учун берилган қимматли фурсат экани ойдинлашади.

Инсон умри чекланган. У маълум йиллар, маълум ойлар, кунлар, соатлар, дақиқалар, боринги, маълум лаҳзалардан иборат. Шундай экан, ўтаётган ҳар бир онимизнинг қадрига етмасак, вақт ҳамиша бизнинг зараримизга ишлайди. Машҳур тобеинлардан Ҳасан Басрий ҳазратлари: «Эй одам боласи, сен маълум кунлардан иборатдирсан. Сен учун бир кунинг кетиши бир қисминг, бир бўлагинг кетиши демакдир», деган эканлар.

Вақт мусулмонлар ҳаётида энг аҳамиятли масалалардан биридир. Вақт ҳаёт демакдир. Ўтаётган ҳар дақиқа-ю сония, соат, кун, инсон умрининг хатосиз ўлчовидир. Вақт шундай маблағки, уни эртанги кунга ғамлаб қуйиш мумкин эмас.

Қуръони Каримда вақтнинг бебаҳо ва қадрига етмаса бўлмайдиган улуғ неъмат эканига ошкора ёки зимдан далолат қилувчи кўплаб ишоралар бор. Аллоҳ таоло вақтнинг бўлаклари ва ажралмас қисми бўлмиш кеча ва

келажакда элу юртига хизмат қиладиган, жамиятга манфаат келтирадиган олим, фозил, ҳунарманд, тадбиркор, солиҳ кишилар бўлиб вояга етишларини таъминлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Набий (алоайҳиссалом) марҳамат қилиб, дедилар:

“غارف لال او حصل لال سان لال ن م ري ث ك امه ي ف نوب غ م ن ا ت م ع ن” Яъни: “Икки буюк неъмат борки, кўп одамлар улар борасида алданиб, чув тушиб қоладилар. Улар: сихҳат-саломатлик ва бўш вақтдир”.

Ушбу муборак ҳадисда саломатлик билан вақт неъматининг аҳамияти жуда гўзал шаклда, ўта балоғатли тарзда баён қилинган. Араб тилида “ғабн” деб аталмиш “алданиб қолиш, чув тушиб қолиш” маъноларини англатувчи сўз аслида тижорат ва олди-сотдига тааллуқли сўз ҳисобланади. Тожирлар ўз сармояларини эътиборсизлик билан нобоп нарсаларга ишлатиб қўйсалар, чув тушадилар, алданадилар. Худди шунга ўхшаб вақт билан саломатлик ҳам дунё тижоратхонасига келган инсон сармояси экан. Шу боис, ҳам ҳадисда бу икки нарсада кўплар алданиб қолиши, чув тушиши хабар берилмоқда. Мазкур ҳадисдан келиб, чиқиб, Аллома Муновий ҳазратлари ҳар бир инсонни тижоратчига, саломатлик билан бўш вақтни эса сармояга ўхшатган эканлар. Инсон қўлидаги саломатлик ва бўш вақт аталмиш сармоясини чиройли тадбир билан тасарруф қилса, фойда кўради. Акс ҳолда чув тушади.

Лекин, афсуски, инсон боласи куч-қувватга тўлиб, соғ-саломатлиги яхши пайтида умрининг қадрига етмайди. Дунёнинг ҳамма ишларига бемалол улгурадигандек юраверади. Алишер Навоий бобомиз ибораси билан айтганда "Умр гулшанининг баҳори" ва "ҳаёт шабистонининг наҳори"ни кечираётган ёшлик йиллари завқ-шавқлари фаввораси жўшқинлигидан киши умр баҳори ва унинг мунаввар тонги жуда тез ўтиб кетганини пайқамай ҳам қолади.

Бўш вақтни ғанимат билиш...

Шундай экан, бўш вақтни ғанимат билиб, фойдали ва эзгу ишларга бағишламоқ даркор. Агар бўш вақт яхши ишлар билан тўлдирилмаса, у албатта ёмон ва келажакда зиён бўладиган ишлар билан тўлади. Киши ишдан ва бошқа зарурий нарсалардан қутулиб, бўш вақт топса, уни ҳам ғанимат билиши керак. Ҳеч бўлмаганда китоб ўқиш, бирон нарса ўрганиш, бирорта фойдали иш билан машғул бўлиш ёки қариндошларни кўриш, касал зиёрат қилиш ва ҳоказо ишлар билан бўш вақтдан ҳам унумли фойдаланиш лозим. Негаки, ғирт бекорчилик киши онгига турли

васвасаларни, беҳуда фикрларни олиб келади. Қалбга ғам-андух эшигини очади. Турли-туман шаҳвоний ишларга етаклайди. Ахир бежизга: “Эркак кишининг бекорчилиги ғафлат, аёл кишининг бекорчилиги эса шаҳватдир” дейишмайди. Миср ҳокимининг хотини Зулайҳо ўз хизматчиси бўлмиш Юсуф (алайҳиссалом)га хуштор бўлиб қолиб, уни ўз тузоғига тушириш учун ҳар хил ҳийла-найранглар уюштириши у яшаётган ўта дабдабали муҳитдаги бекорчиликдан келиб чиққан.

Вақт хусусиятлари

Вақтнинг бошқа нарсалардан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятлари бор. Бизлар уни тўғри маънода тушунишимиз ва унинг нури билан иш олиб боришимиз лозим;

1. Вақт тез ўтади.

Хоҳ шод-ҳуррамлик ва қувонч билан ўтсин, хоҳ қийин, машаққатли бўлсин, у булут тезлигида юриб, шамол тезлигида ўтади. Бизга хурсандлик кунларимиз бирмунча тезроқ, қайғули кунларимиз секин ва оғир ўтаётгандек кўринади. Аслида, ундай эмас, лекин инсонга шундай туюлади холос. Шоир айтади:

Бахту саодатга тўла ойларим
Гўё давом этди кундан ҳам қисқа,
Ва лекин ҳижронга тўла кунларим
Йиллардек кўринди менинг кўзимга,
Наҳот энди ўтди йиллар, дўстларим,
Ҳайрат-ла боқаман бу кун ўзимга.

2. Вақтдан ўтгани ортига қайтмайди ва ўрнига алмашмайди ҳам.

Ҳар бир кун ўтади, ҳар бир соат ниҳоясини топади ва ҳар бир лаҳза кезувчидир, уни ортга қайтариш ёки бошқаси билан алмаштиришнинг имкони йўқ. Бу холни Ҳасан ал-Басрий етук сўзлари чиройли тавсифлайди: «Ҳар бир тонгги ёришадиган кун борки, инсон боласига нидо қилади: «Мен янги яратилдим (имкониятингман), янги кунингман, ишларингга шоҳидман, мендан фойдаланиб қол. Агар кетсам, қиёматга қадар қайтмайман».

Ҳасан ал-Басрий ҳақларида ал-Имом Али Зайнул-Обидин: «Бу зот сўзлари пайғамбарлар сўзларига ўхшаш киши эдилар» - деганлар. Кўп кексаларни кўрамиз, улар ёшлик даврларини яна бир бора қайтишини орзу қиладилар,

лекин бу ушалмайдиган орзу. Шоирлардан бири айтади:

Ортига қайтсайди бир кунга ёшлик
Унга айтардим нелар қилди кексалик.

Бошқа бир шоир умрнинг қай тарзда ўтишини тасвирлаб, унинг кечаю кундузлари ортга қайтмасдан кетади ва бунга умид ҳам йўқ, деб ёзади:

Киши кетар умрининг жиловин тутиб,
Ойу кунлар ичра фано сафари сари,
Кеча ва кундузлар тонг оттириб тунни кутиб,
Дунёни тарк этар яқинлашиб қабр сари.

Тасаввур қилинг, шундай банк борки, у хар куни эрталаб ҳисобингизга 86400\$ қўяди.

Лекин бу банк хар кунлик қолдиқни сақламайди.

Хар кеча у сиз ишлатмаган қолдиқни охириги тийинигача нолга тенглаштиради.

Сиз нима қиласиз?

Албатта хар куни охириги тийинигача ишлатишга ҳаракат қиласиз!!!

Шуни билингки, ҳаммамизнинг шу банкда ҳисобимиз мавжуд.

Унинг номи? Вақт.

Хар куни эрталаб бу банк сизнинг ҳисобингизга 86400 секунд ўтказади.

Хар кеча бу банк маълумотларни ўчиради ва бу кредитнинг қайси қисми керакли мақсадларга сарфланмаганлигига қарайди.

Бу банк пулларни сақламайди ва уларни бошқа ҳисобларга ўтказишга ҳам йўл қўймайди.

Хар куни янги ҳисоб очилади.

Хар кеча бир кунлик қолдиқ, яъни ишлатилмаган пуллар бекор қилинади.

Агар сиз бу пулларни ишлатмасангиз – фақат сиз йўқотасиз.

Биз орқага қайтишимиз ёки эртанги кредитни қарзга олиб туришимиз мумкин эмас.

Сиз, бугун сизга берилгани билан ҲОЗИР яшашингиз керак. Пулларни шундай ишга тикингки, бундан соғлиғингизга, бахтингизга ва ишингизга фойдаси тегсин. Шунингдек, сиз бу пулларга савоб ёки гуноҳ сотиб олишингиз ва шундай қилиб амаллар халтасини савоб ёки гуноҳ амалларга тўлдиришингиз мумкин.

Соат миллари айланишда давом этмоқда. Бугун вақтдан максимум даражада фойдаланинг.

Йилнинг қадрига етиш учун, бу тўғрисида бир йил ўқишни йўқотган талабадан сўранг.

Ойнинг қадрига етиш учун, бу тўғрисида вақтидан аввал туғган онадан сўранг.

Хафтанинг қадрига етиш учун, бу тўғрисида ҳар ҳафта чиқадиган журналнинг муҳарриридан сўранг.

Бир соатнинг қадрига етиш учун, бу тўғрисида учрашувни интизорлик билан кутаётган икки ошиқдан сўранг.

Бир дақиқанинг қадрига етиш учун, бу тўғрисида ҳозиргина поездга кечиккан одамдан сўранг.

Бир сониянинг қадрига етиш учун, бу тўғрисида ҳозиргина автохалокатга дучор бўлиши мумкин бўлган инсондан сўранг.

Сиз яшаётган ҳар бир дақиқанинг қадрига етинг.

Кеча? Бу тарих.

Эртага?

Бу сир...

шунинг учун имкониятингизда фақат Ҳозир бор!

Яна бир нарсани унутманг: вақт сизни кутиб ўтирмайди!

Шунинг учун сиз эгалик қилаётган ҳар бир дақиқанинг қадрига етинг. Аллоҳ сизга инъом этган, сизга ажратилган вақт чексиз эмас.

Инсон ёруғ дунёдан юз ўгириб, охираат сари юзланган вақтида ўзига яна бир - оз муҳлат берилишини ёки йўқотган нарсасини тўғрилаб, бузганини тuzатиб олиш учун озгина вақтнинг ортга қайтарилишини орзу қилади. Шунда Қуръон айтади: «Эй мўминлар, на мол-дунёларингиз ва на болачақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир!» (Мунофиқун, 9–10).

Сизларнинг бирингизга ўлим келиб, у; «Парвардигорим, мени озгина муддатга (ҳаётда) қолдирсанг, мен хайр-садақа қилиб солиҳ баландалардан бўлсам», деб қолишдан илгари «Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз!».

Шулардан келиб чиқиб, айтиш жоизки, ҳар бир киши ўзига берилган қисқа умрни фойдали ишларга сарфлаши, илм олиши, ҳунар ўрганиши, ёки тадбиркорлик, тижорат каби касб-кор қилиши ва жамиятга манфаатга ҳаракат қилиши айна муддаодир.

Халқ нақлида "Ёшлиқда билганинг – тошга ёзганинг, қариликда билганинг – музга ёзганинг" дейилади. Умрнинг олтин чоғида фурсатни беҳуда, таралла бедодлик билан ўтказмай инсоний ахлоқ-одоб, муомала-муносабат, касб-у ҳунар, ширинсуханлик ва одиллик ихлос-эътиқод билан

Ўрганиб олинса, одам учун бир умрга унутилмас одатга айланади. Бу эса ҳаётда яхши ва мазмунли яшаш учун доим ойдин, равшан йўлларни очиб беради.

Келинг, ҳозир ўзимизга ажратилган қисқагина фурсатни ғанимат билиб, вақтни тежаш, ундан унумли фойдаланишнинг омилларидан бири бўлмиш ҳалол меҳнат ва касб-кор қилиш, ҳунармандлик, тадбиркорлик каби нарсалар хусусида ҳам бироз сўзлашсак.

Инсон ўз ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-бош, турар-жой таъминотини қадим-қадимдан йўлга қўйиб келган. Шулар жумласига тижорат, зироат, чорвачилик, турли фойдали касб-ҳунар ва тадбиркорлик ҳам киради.

Юртимиз тарихида тадбиркорлик алоҳида ўрин тутиб келган. Ота-боболаримизнинг ер-мулк, касб-ҳунарга эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ҳалол ишбилармон кишиларни қадрлаш анъаналари мавжуд бўлган. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: “Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”,- деган сўзларини эслаш кифоядир.

Юртбошимиз томонларидан жорий йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинишида ҳам катта мазмун ва маъно бор. Мамлакатимиз истиқлол бахтига эришганидан кейин тижорат ва хусусий тадбиркорлик ишлари янада жадаллашиб, тараққиёт йўлига ўтди. Зарурий ҳуқуқий қонун-қоидалар тизими вужудга келтирилди. Мана улкан имкониятлар яратувчи тадбиркорликка оид янги қонунлар қабул қилинди. Ўйлаймизки, меҳнатсевар ватандошларимиз ушбу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда юртимизни янада ободу фаровон бўлишига ўз ҳиссларини қўшадилар.

Динимиз таълимоти ялқовлик, боқимандалик каби зарарли иллатларни қатъий қоралаб, инсонларни ҳалол ризқ топиш йўлида саъй-ҳаракат қилиш ва чин-ихлос билан меҳнат қилган ҳолда ҳаёт кечирishга чақиради.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бировларга юк бўлгандан кўра, ҳатто ўтин териб келиб ва уни сотиб кун кечирish афзалроқ эканини айтганлар.

Барча пайғамбарларнинг ўз касбкорлари бўлган. Масалан: Нуҳ (а.с) дурадгорлик, Иброҳим (а.с) баззозлик, Довуд (а.с) совут яшашва

темирчилик, хурмо дарахти новдаларидан сават тўқиш, Закариё (а.с.) дурадгорлик, ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) чўпонлик ва савдогарлик касби билан машғул бўлишган.

Ўз навбатида саҳобаи киромлар ҳам бирон-бир касб-ҳунар билан ризқ-рўз топишга саъй-ҳаракат қилишган. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, Салмон Форсий хурмо новдаларидан сават тўқиб сотарди, АбдурРаҳмон ибн Авф, Усмон ибн Аффон ва бошқа бир қатр саҳобийлар тижорат билан шуғулланардилар. Қуръони Каримда ризқ топиш ниятида Ер юзида турои саёҳат ва сафарларга чиқишга тарғиб қилинади. Шунингдек Унда инсонлар турли ҳаётий эҳтиёж ва заруриятлар сабабидан ер юзига тарқалиб ризқ-рўз топиши, тадбиркорлик каби фойдали фаолиятлар билан шуғулланиши, бор куч ва иқтидор, ақл ва билимларни сарфлаб ишлаб чиқариш ва иқтисодий тараққиёт сари саъй-ҳаракат қилиши зарурлигига чорловчи кўплаб илоҳий далиллар мавжуд:

رُؤْسُنَّ لِلَّهِ لِيَلْإَوْهَقَزْرَ نَمِ أَوْلُكُ وَأَوْهَبِكَ أَنْ يَفِ أَوْشَمَ أَفَّ أَلْؤُلْدَ ضَرَّأَلِ أَمْ كَلَّ لَعَجَ يَدُّ لَأَوْه

яъни: “У (Аллоҳ) сизларга Ерни хоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган зотдир. Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида (саёҳат, тижорат ёки деҳқончилик қилиб) юраверингиз ва (Аллоҳнинг берган) ризқидан тановул қилингиз! (Қиёмат куни) тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир”.

Бошқа бир ўринда шундай марҳамат қилинади:

لَلَّ أَوْلُكُ ذَاوَاللَّ لَصَفَ نَمِ أَوْعَتَبَ أَوْ ضَرَّأَلِ يَفِ أَوْرَشَتَنَ أَفَّ أَلَّ صَالَّ تَيَضُّقَ إِذِ إِفَّ نَؤُحَ لَفُتْ أَمْ كَلَّ لَعَجَ أَرِيثَكَ

Яъни: “Намоз адо қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингиз! Аллоҳни кўп ёд этингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз”.

Қадимдаги солиҳ кишиларимиз мазкур нарсаларни яхши англаганлари учун ҳам албатта бирон касб ва ҳунар эгаси бўлишган ёхуд тижорат, тадбиркорлик каби ишлар билан шуғулланишган. Ҳазрати Имом Абу Ҳанифа (р.х) шойи ва ипак газламалри билан савдо қилганлар. Машҳур ватандошимиз ва буюк аллома Имом Қафқол Шоший ҳазратлари қулфсозлик билан шуғулланганлар. Ҳазрат Хожа Аҳрор валий эса тижорат ва чорвачилик ҳамда мулкчиликнинг бошқа турлари билан шуғулланганлар ва ҳоказо...

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, умрларини илмга бағишлаган мазкур кишилар ҳам ўз пешона тери билан оила ва рўзғор тебратганлар. Бировнинг қўлига

қарам бўлмаганлар.

Тадбиркорли ва тижоратчилик касбларининг фазилати ва аҳамияти Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда ўз ифодасини топган.

Имом Термизий орқали ривоят қилинган бир шарафли ҳадисда шундай дейилади: “**ءادەش ل ل او ن ي ق ي د ص ل ل او ن ي ي ب ن ل ل ع م ن ي م أ ل ا ق و د ص ل ل ا ر ح ا ت ل ا**”

Яъни: “Ростгўй ва ишончли тижорат соҳиби жаннатда набийлар, сиддиқлар ва шуҳадолар билан бирга бўлади”.

Бу ҳадиснинг маъноси ўз ичига барча олди-сотди билан шуғулланувчилар, тадбиркорлар, касб-ҳунар билан машғул бўлганлар ҳам киради.

Дарҳақиқат, тадбиркорлар, ишбилармонлар ва тижорат аҳли кишилар билан энг кўп муомалада бўладиган тоифа ҳисобланадилар. Улар ўз муомалаларида ёлғон сўзлаш, нотўғри гувоҳлик беришдан ўзларини сақламоқлари керак бўлади. Зеро, ёлғон гапириш айни гуноҳи кабирадир.

Аллоҳ таоло кечаю кундуз Ватан манфаати, халқ фаровонлиги йўлида ўзининг меҳнати, билими ва тажрибаси билан турли соҳаларда тадбиркорлик ишларини олиб бораётган имонли, инсофли, мурувватли мулкдорларни, тижоратчиларни, зироатчиларни, ишлаб чиқарувчиларни ҳифзу ҳимоясида сақлаб, ишларига баракотлар ато этсин!

Тошкент шаҳари "Шайх Зайниддин" жомеъ масжиди имоми хотиби
Одилхон Исмоилов